

А.Б.Каландаров
“Ипотека-банк” АТИБ Яшнобод филиали

БАНКЛАРДАГИ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Ушбу мақолада тижорат банкларидағи муаммоли кредитларни камайтириш билан боғлиқ бўлган механизмларнинг самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган. Мавжуд муаммоли кредитларни камайтириш механизмининг асосий камчиликлари ёритилган ва уни ташқи институционал ва ички банк омиллари нуқтаи назаридан чет эл тажрибасига асосланган ҳолда такомиллаштириш йўналишлари очиб берилган. Муддати ўтган кредит қарзини бошқариш воситалари таснифи таклиф этилан.

Таянч сўз ва иборалар: банк, банк фаолияти, кредит, кредитлаш, қарз олувчи, муддати ўтган қарз, муаммоли кредит, кредит мониторинги, кредит қайтмаслик хавфи.

МЕХАНИЗМЫ И МЕТОДЫ МИНИМИЗАЦИИ ПРОБЛЕМНЫХ КРЕДИТОВ В БАНКАХ

В данной статье рассмотрены вопросы повышения эффективности механизмов, связанные с сокращением проблемного кредитования в коммерческих банках. Выделены основные недостатки существующей программы сокращения проблемного кредитования и выявлены направления ее совершенствования с учетом зарубежного опыта с точки зрения внешних институциональных и внутренних банковских факторов. В классификации предложены инструменты управления просроченной кредитной задолженностью.

Ключевые слова: банк, банковская деятельность, кредит, кредитование, заемщик, просроченная задолженность, проблемный кредит, кредитный мониторинг, риск невозврата кредита.

MECHANISMS AND METHODS FOR MINIMIZING PROBLEM LOANS IN BANKS

This paper discusses the issues of improving the effectiveness of mechanisms related to reducing problem lending in commercial banks. The main drawbacks of the existing program for reducing problem lending are highlighted and directions for its improvement are identified, taking into account foreign experience in terms of external institutional and internal banking factors. In the classification proposed tools for the management of overdue credit debt.

Key words: Bank, banking, credit, lending, borrower, overdue debt, problem loan, credit monitoring, Non-performing loan.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ 3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва

барқарорлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги қарорида кредитларни сўндириш муддатлари ва тасдиқланган жадвалларга қатъий риоя қилишни, кредитлар бўйича қарздорларнинг муддати ўтган қарздорликларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик бўйича барча зарур чора- тадбирларни кўриш, банкнинг тўлай олиш қобилиятидан келиб чиқиб, кредитлар бўйича муддатлар ва фоизлар ставкаларини белгилаш ҳамда зарар кўриб ишлаётган ташкилотларни кредитлаш амалиётини тугатиш мамлакатимиз банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилган [1].

Бу эса, тижорат банкларининг кредит портфелидаги мавжуд муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Чунки, тижорат банкларидаги муаммоли кредитларнинг улушини минималлаштириш механизмларини такомиллаштириш банк тизимини ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда муаммоли кредитларнинг сабаблари етарли даражада батафсил ўрганилган. Баъзи ҳолларда, улар кредит хавфи омиллари билан белгиланган. Муаммоли кредитлар, одатда ташқа ва ички, макро ва микроиктисодий, ёки банкка боғлиқ бўлган ва бўлмаган омиллар таъсирида келиб чиқади.

О.И. Лаврушин ўзининг “Тижорат банки фаолиятини бошқариш (Банк менеджменти)” дарслигига қарз олувчига боғлиқ муаммоли кредитни шакллантириш омилларига корхонанинг ёмон бошқарувида кўради ва унинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган омилларга кутилмаган иқтисодий ва сиёсий воқеалар, қонунчилиқдаги ўзгаришлар, иқтисодий вазиятнинг умумий ёмонлашуви, табиий оғатлар ва ҳоказоларда кўринишини эътироф этади [2].

Банкка боғлиқ бўлган сабаблар кредит жараёнининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, боғлиқ бўлмаганлари биринчи навбатда иқтисодий аҳволнинг ёмонлашишидан келиб чиқади.

Тадқиқотчи С.В. Кузников илмий ишида шундай дейди: - муаммоли кредит бу қарздор ўз мажбуриятларини банк билан қабул қилинган битимлар ва келишувларга мувофиқ тўлиқ бажара олмайдиган кредитдир, шунинг учун қарздорнинг кредит мажбуриятлари бўйича муддати ўтган тўловлар банк учун қисман ёки тўлиқ йўқотиш хавфи мавжуд демакдир [3].

А. Платонов ва С.А.Ивановнинг фикрига кўра муаммоли кредитлар қарздорнинг ўз мажбуриятлари бўйича банк билан тузилган шартнома шартларидаги асосий суммани ва унга ҳисобланган фоизларни қайтармаслик (тўлиқ ёки қисман) да намоён бўлади. Шунингдек, муаммоли кредитни “қарз олувчининг кредитни қайтармаслиги мумкин бўлган заарлар” деб тушуниш ҳам мумкин [4].

Janice Boucher Breuer муаммоли кредитларни банклар томонидан молиявий воситачи сифатида қабул қилинган қарорлар натижаси сифатида кўради [5].

Allen N. Berger ва Robert DeYoung илмий мақоласида муддати ўтган кредитлар турли хил (молиявий, сиёсий, иқтисодий) салбий ҳодисалар ёки

камчиликлар туфайли қарз ва фоизларнинг асосий миқдорини ўз вақтида қайтариш таҳдид қилинган кредитлар эканлигини билдирган [6].

Тижорат банкларидағи кредит хавфи ва муаммоли кредитларни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ўрганган маҳаллий олимларимиздан К.А.Мухамеджановнинг хulosасига кўра, кредит рискининг манбаи қарз олувчининг нотўғри фаолияти бўлиб, у кредит қарзини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олмаслигига олиб келиши мумкин [7].

У.А.Тухтабаевнинг хulosасига кўра муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмасликнинг оқибати бўлиб ҳисобланади [8].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, айни кунда мамлакатимиз тижорат банкларидағи муаммоли кредитлар билан боғлиқ ҳолатларда номи келтирилган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишлар долзарблигини кузатишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, тижорат банкларидағи мавжуд муддати ўтган ва муаммо тусини олган кредитлар нафақат активлар сифатига салбий таъсир қўрсатади, балки кредитларни қаймаслик хавфининг ортишига олиб келади.

Тахлил ва натижалар

2017 ва 2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг банк тизими доимий ва интенсив ўсиш фазасида бўлиб келмоқда. Бу вақт мобайнида тижорат банкларининг жами активлари 84 075 млрд. сўмдан 272 727 млрд. сўмгача ёки 3,2 мартаға ошди ва банклар томонидан тақдим этилган кредитлар ҳажми 52 611 млрд. сўмдан 211 581 млрд. сўмгача ёки 4,0 мартаға ошди, бу жаҳон стандартлари бўйича мисли қўрилмаган натижа деб ҳисоблаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал


Банк тизимининг таққослама қўрсаткичлари тўғрисида маълумот[9]

млрд.сўм

Кўрсаткичнинг номи	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.
Активлар	84 075	166 632	214 420	272 727
Кредитлар	52 611	110 572	167 391	211 581

Банклардаги кредитлаш салоҳиятининг ортиши миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир қўрсатмоқда. Ички бозорлардан ва чет эл банклари томонидан жалб қилинган молиялаштириш манбааларининг мавжудлиги туфайли банкларнинг қўшимча маблағларга бўлган талаби қондирилмоқда. Бу даврда мамлакатимиз банкларининг кредит портфелларида муддати ўтган кредитлар даражаси ўртacha 2,3% ни ёки 5 474 млрд.сўмни ташкил этмоқда (1-расм).

млрд.сўм



1-расм. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида маълумот, 2020 йил 1 июнь ҳолатига [9]

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5 – сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш хамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорида муаммоли активлар (кредитлар) – сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлар дея тариф бериб ўтилган [10].

Демак, муаммоли кредитни бошқариш жараёни нафақат “умидсиз” деб таснифланган кредитларни баҳолаш ва улар билан ишлашни, балки “қониқарсиз” ва “шубҳали” деб таснифланган кредитларни кузатишни ҳам ўз ичига олади.

Тижорат банкларидаги муаммоли кредитларни камайтиришнинг бир қанча самарали механизмлари ва усуллари мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланиш давомида ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Уларнинг қисқача таснифини кўриб чиқамиз.

Мониторинг. Кредит қарзининг мониторинги банк келажакда тўлик ёки қисман заар кўриши мумкин бўлган кредитларни аниқлаш мақсадида амалга оширилиши лозим. Шундай қилиб, бундай кредитларнинг аниқланиш тезлиги муаммоли кредитларни бошқаришда муҳим омил ҳисобланади. Бундай мониторинг банкнинг турли бўлинмалари томонидан улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ўтказилиши ва банкнинг кредит мониторинги бўлинмасининг умумий назорати остида амалга оширилиши лозим.

Иш фаолияти самарали йўлга қўйилган банкда мониторинг тизими қарз олувчининг ҳолатини ҳар томонлама кўриб чиқиши ва баҳолаши учун турли соҳаларни ўз ичига олиши керак (2-расм).



2-расм. Қарздорни кузатишнинг асосий йўналишлари¹

Кредит ажратилишдан олдин ўтказилган мониторинг ва бизнес-таҳлил асосида банк томонидан ҳар бир қарз олувчиликнинг ҳолати юзасидан маълумот йиғилади. Бу маълумотлар базасида кредитни мониторинг қилиш нуқтаи назаридан жуда муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, улардан ички ва ташқи аудиторлар, шунингдек давлат назорат органлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Реструктуризация. Муаммоли кредит муносабатларини ҳал этишнинг самарали воситаларидан бири бу кредит шартларини қайта кўриш усули бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолда, тижорат банки ва қарз олувчи, қонун нормалариiga мувофиқ, кредит ресурсларидан фойдаланишнинг мавжуд шартларини ва кредит қайтариш шартларини ўзгартириш ҳамда кредит шартномаси ва гаров шартномасига тегишли ўзгартиш, шунингдек қўшимчалар қилиш, унинг қайтишини таъминлаш шартларини тўлдириш билан боғлиқ бўлади. Кредит шартларини қайта кўриш банк томонидан муайян қарз олувчилар ва кредит турларига нисбатан муаммони бартараф этиш мақсадида амалга ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Муддатидан олдин сўндириш. Агар қарз олувчиларнинг жорий молиявий аҳволи ва уларнинг иқтисодий салоҳияти кредитни реструктуризация қилишга имкон бермаса, кредит мажбуриятларини ихтиёрий ёки мажбурий тартибда тўлиқ бажарилишини тартибга солувчи тегишли хуқуқий нормалардан фойдаланиб, муаммоли кредитни муддатдан олдин тўлашга қаратилган усуллари қўлланилади.

¹ Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Суд орқали ундириш. Муаммоли қарз билан муомала қилишнинг суд усуллари тижорат банклари ташаббуси билан қўлланилади ва қарздорлар қарзни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан атайлаб яширган ҳолларда ижобий рол ўйнайди. Бу усулнинг паст самарадорлиги тижорат банкларининг тегишли даъволари судлар томонидан кўриб чиқилиш вақтининг узунлиги билан боғлиқдир.

Гаров таъминотига қаратиш. Муаммоли кредитларни ҳал этишнинг механизмларидан бири бу кредит тўловини гаров мулкига қаратиш ҳисобланади. У амалга оширилганда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар одатда бутунлай узилади.

Икки томонлама ҳамкорлик. Муаммоли кредитларнинг салмоғини камайтириш, уларни вужудга келиш омилларини бартараф этиш ва кредит портфелини соғломлаштиришда энг самарали усуллардан яна бири – бу тижорат банкининг қийин молиявий аҳволда қолган қарз олувчилари билан ишлашга ҳар томонлама ёндашуви ҳамда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш деб аташ мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, банклар томонидан муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этиш воситасини танлаш муайян шароитларга ва қарз олувчиларнинг иқтисодий аҳволига боғлиқдир.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлил маълумотларига асосланиб хулоса қиласиган бўлсак, кредит портфелидаги мавжуд муаммоли кредитларни камайтириш механизмларини такомиллаштириш йўналишларида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилиши лозим бўлади:

➤ Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори кескин ошиши натижасида тижорат банкларида қарздор мижозлар билан ишлашга ихтисослашган аълоҳида кредит мониторинги бўлинмалари жорий этилиши тақозо этилади;

➤ Кредит ажратилишидан то ёпилишига қадар доимий назоратда бўлиши, мониторинг тизими орқали қарз олувчининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиб борилиши ва зарур ҳолларда тегишли чоралар кўрилиши долзарб бўлиб қолади;

➤ Тижорат банклари муаммоли кредитларининг NPL кўрсаткичларини камайтириш юзасида қонунчиликда белгиланган барча механизмлардан самарали фойдаланмасликлари салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, муаммоли кредитларни камайтириш механизмларини такомиллаштириш, ички банк тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибанинг самарали элементларини аниқлаш орқали алоҳида олинган тижорат банки ҳамда Марказий банк даражасида амалга оширилиши лозим. Тегишли тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. Муаммоли кредитларни маъсус яратилган молиявий тузилмаларга ёки коллекторлик идораларига ўтказиш натижасида тугатиш (мамлакатимизда коллекторлик идоралари фаолияти қонун билан тартибга солинмаган).
2. Мижознинг кредит қарзини ўз вақтида тўлашдаги қизиқишини таъминлаш (бонуслар ва чегирмалар тизимини яратиш, имтиёзли кредитлаш).
3. Қарз олувчилар ҳақидаги барча маълумотларни бирлаштириш, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш ва қарз олувчиларнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳолатини баҳолашдан иборат Банк-аналитик ҳисоб марказларини яратиш лозим. Банклар аналитик ҳисоб марказлари хизматидан нафақат кредит бериш босқичида, балки кредит портфелини мониторинг қилиш чоғида, шу жумладан кредитлар билан боғлиқ муаммолар юзага келганда ҳам исталган вактда фойдаланишлари мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017 й., 07/17/3270/0004, 23.07.2019 й., 07/19/4400/3468-сон.
2. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина.- М.: Юристъ, 2003. С. 456-457.
3. Кузнецов С.В. Ссудная задолженность кредитных организаций: проблемы и инструменты ее урегулирования / Автореф. дисс канд. экон. наук. М., 2008. С.14.
4. Платонов В.А., Иванов С.А. Банковское дело: стратегическое руководство. М. «Консольбанк». 1998.-с.48
5. Janice Boucher Breuer, Problem bank loans, conflicts of interest, and institutions: Journal of Financial Stability, Volume 2, Issue 3 October 2006 Pages 266-285 – doi.org/10.1016/j.jfs.2006.07.001
6. Allen N. Berger and Robert DeYoung, Problem loans and cost efficiency in commercial banks / Journal of Banking & Finance — Volume 21, Issue 6, June 1997, Pages 849-870 — doi.org/10.1016/S0378-4266(97)00003-4
7. Мухамеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка/ Автореф. дисс канд. экон. наук. Тошкент, 2010. С.9.
8. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари / Автореф. дисс иқти.фан.намз. Тошкент, 2008. – 13 б.
9. <https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats/>
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5 – сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни

тасдиқлаш ҳақида” ги қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.